Филлар олма емоқчи
Ҳикоя

Ям-яшил ўрмонда қадамлари билан ерни ларзага келтириб, баҳайбат филлар тўдаси бормоқда. Улар серсув жойларда ўсган барра ўтлардан, ғарқ пишиб етилган мевалардан еб, қоринларини тўйдирмоқчи эдилар. Уларнинг ичида ўз оналарининг ёнида бораётган жажжи филчалар ҳам бўлиб, улар ҳолдан тойиб қолаёзгандилар. Шунда улардан бир онасига:

- Онажон, қачон етиб борамиз сиз айтган ўша жойга?!-дея сўради.

Онаси унинг пешонасини хартуми билан силар экан:

- Оз қолди, дўмбоқчам, бироз сабр қил,-деди.

Зум ўтмай филлар тўдаси исталган жойга етиб келдилар. Бориб қарасалар, бир кўм-кўк ўтлоқ. Унда яна бир туп қирмизи олма дарахти ғарқ пишиб, мени егин, деб тургандек эди гўё. Роса пишиб кетганлари эса ерда тўкилиб ётарди. Филчалар чарчоқларини ҳам унутиб, олмаларни қарсиллатиб еийшга киришдилар.

Ердаги олмалар тугагач, фақат унинг устидагилари қолди. Олмалар филларнинг баттар иштаҳасини қўзғаб, қуёш нурида порлаб, товланиб турардилар. Она филлар ҳар қанча хартумларини чўзсалар ҳам, уларга етиша олмадилар.

Шунда улардан бири алами келганиданми:

- Э қўйинглар, шу аччиқ олмаларни? Уни еийшдан нима фойда бор,-деди.

- Тўғри-да, бунинг устига роса қурт еган экан,-дея қўшилди унга иккинчиси.

Филчалардан бири эса бунга кўнмай, олма ейман, деб йиғлашга тушиб кетди.

Она филларнинг ичида ёши улуғ бир фил бор экан. У бир зум ўйга толди-да, йўлини топдим, дегандай дарахтга ишора қилди. Олма дарахтининг ёнига бориб, уни хартуми билан маҳкам қисди-да, кучининг борича силкитди. Шу пайт олмалар дарахтдан дувиллаб тўкилди. Бу пайтда олмалар гўё дарахтдан эмас, осмондан ёғилиб тушаётгандай эди.

Олмахўрлик базми бошланиб кетди. Энди улар роса олмаларга тўйиб, бир-бирларига олинг-олинг деб ўтиришарди.

Хуллас, ёши улуғ она филдаги донолик сабабли, улар қўллари етмаган олмаларни еб, қоринларини тўйғаздилар. Ҳа, қанчалик баҳайбат ва кучли бўлмагин, шунга яраша ақлинг, донолигинг бўлмаса, мақсадингга етолмайсан!